



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI**  
**BOG‘OT TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

**Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy**

2021 -yil 30 - May

599a -son

**Bog‘ot shaharchasi**

**Фуқаро Рахимов Худашукур**  
Матқурбановичнинг турар жой биносига  
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш  
тўғрисида

Боғот тумани “Дехқонобод” маҳалласида яшовчи фуқаро Рахимов Худашукур Матқурбановичнинг “Дехқонобод” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 5 февралдаги ШЯ-Р-445-сонли аризасини, “Дехқонобод” маҳалласи фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2021 йил 4 февралдаги 301-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

**Қ А Р О Р    Қ И Л А М А Н :**

1. Боғот тумани “Дехқонобод” маҳалласида жойлашган 11 (ўн бир)та хонадан иборат, яшаш хоналари 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 78,34 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 7 (етти)та бўлиб, ички ўлчами 126,13 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 215,28 квадрат метр, қурилиш ости майдони 275,02 квадрат метр, умумий ер майдони 1346,40 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Рахимов Худашукур Матқурбановичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Рахимов Худашукур Матқурбановичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, кўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга ошириганда Ўзбекистон Республикаси

“Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Рахимов Худашукур Матқурбановичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

**Богот тумани ҳокими**



**Ш.Яхшибаев**